# ЗАРАРЛИ ВА МАҲАЛЛИЙ ЧИГИРТКАЛАРГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ИШЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

# ШАРТНОМА.

"15" июн 2022 йил 11-сонли Карши шаҳри

"EVEREST-S" МЧЖ "унинг номидан Низом асосида иш юритувчи, корхона раҳбари Ж. Абдуллаев бундан кейин **"Бажарувчи"** бир томондан ва Кашкадарё вилоят чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати унинг номидан низом асосида иш юритувчи корхона раҳбари Ш.Қаршиев бундан кейин **"Буюртмачи"** деб юритилади иккинчи томондан қўйидагилар тўғрисида шартнома туздилар.

## I.Шартнома мазмуни

I.I.Мазкур шартнома бўйича **"Бажарувчи", "Буюртмачи"** га зарарли маҳаллий чигирткаларга қарши кимёвий ишловларни ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатади.

## II.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

-Шартномада белгиланган ишлар ва кимёвий ишловларни белгиланган муддатларда сифатли бажарилишини талаб ҳамда қабул қилиш:

-Вилоят ҳудудларида зарарли ва маҳаллий чигирткаларни ривожланиши ва тарқалиши тўғрисида, зарарланган майдонлар ва иш хажми ҳақидаги маълумотларни **"Бажарувчи"** га тезкор равишда етказиш (кузатув назорат ишлари **"Бажарувчи"** томонидан ўтказилмаган ҳолатда).

Чигирткаларга қарши кураш учун зарур бўлган кимёвий препаратларни ўз вақтида **"Бажарувчи"** га етказиб бериш. Ёқилғи-мойлаш воситаларини **"Бажарувчига** етказиб берилган ҳолатларда уларнинг қийматини **"Бажарувчи"**бажарган иш хажми қийматидан чегириб қолиш;

**"Бажарувчи"**нинг айби билан белгиланган ишлар ва кимёвий ишловлар самрасиз ўтказилган ҳолатларда такрорий ишловларни ўтказилишини талаб қилиш:

-Кимёвий ишловларни ўз вақтида сифатли ва самарали ўтказилишини бажарилган назорат ишлари ва кимёвий ишловларни далолатномаларни расмийлаштириш учун агроном-энтомолог ёки ташкилотчи вакилини бўлиб ишни бажарилишига бириктириш.

## III. "Бажарувчи"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**"Буюртмачи"**нинг талабига асосан зарарли ва маҳаллий чигирткаларни тарқалишини аниқлайди ва уларга қарши кимёвий ишловларни ўтказади:

- Зарарли ва маҳаллий чигирткаларни тарқалиши майдонлари ҳисобга олинган ҳолда экинларни ўз вақтида ҳимоя қилиш учун кимёвий ишловларни сифатли ўтказиш чорасини кўради ва бажарилишини топширади.

- Ўтказилган кимёвий ишлов самарасиз бўлган ҳолатда (табиий ва бошқа омиллар, "**Буюртмачи**"нинг айби билан бўлган ҳоллардан ташқари)такрорий ишловни ўз ҳисобидан ўтказиб беради:

- Зарарли ва маҳаллий чигирткаларга қарши кураш ишлари ўз вақтида "**Буюртмачи**"нинг айби билан ўтказилмаган тақдирда, кўрилган зарарга жавобгар бўлмайди:

## IV.Тарафларнинг жавобгарлиги.

3.1.Шартнома ёки шартноманинг иловасида белгиланган иш турлари бажарилишида рад этилганлиги учун **"Бажарувчи"-"Буюртмачи"** га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган хизматларнинг 5% миқдорида жарима тўлайди.

3.2.Шартнома ёки шартноманинг иловасида белгиланган иш турлари бажарилишида рад этилганлиги учун **"Буюртмачи","Бажарувчи"** га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган хизматларнинг 5% миқдорида жарима тулайди.

3.3."**Буюртмачи"-"Бажарувчи**" га бажарган ишлари томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## V. Ҳисоб китоб.

4.1.Мазкур шартнома баҳоси 16006 х 1820 га =29130920 йигирма тўққиз миллион бир юз ўттиз минг тўққиз юз йигирма сум ташкил этади.

Бажариладиган кимёвий ишловларнинг ҳажми ва баҳоси мазкур шарнома таркибий қисми бўлган иловада кўрсатилган.

4.2."**Буюртмачи**" бажариладиган иш турлари ва кимёвий ишловлар жами сўммаси 30 фоизини олдиндан тўлайди. Ишлар бажарилгандан сунг қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари имзоланганидан кейин _____ кун ичида тўлиқ туловни амалга оширади.

4.3.Бажарилган ишлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади:

## VI.Шартноманинг амал қилиш муддати.

5.1.Мазкур шартномага **"Бажарувчи" ва "Буюртмачи"** томонидан имзолангандан сўнг,томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришлари ва ўзаро ҳисоб-китоб қилишига қадар муддат ичида амал қилинади.

5.2.Шартнома 15.06.2022 дан 31.12.2022. гача конуний кучга эга.

## VII.Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1.Тарафлар ўртасидаги ушбу шартнома бўйича вужудга келадиган низолар ўзаро музокаралар йўли билан, агар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиб бўлинмаса унда бу низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал этилади.

7.1.Шартнома бўйича кўшимча ва узгартиришлар тарафларнинг ёзма розилиги асосида расмийлаштирилади ва улар тарафлар томонидан имзолангандан сунг қонуний кучга эга бўлади.

7.2.Шартнома қонунда белгиланган тартибда ҳамда тарафларнинг ўзаро келишувига асосан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

## VIII.Форс-мажор холатлари.

8.1.Тарафлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила,қурғоқчилик, сув тошқини, сел, дул, жала ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8.2.Шартномани бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартларини бир томонлама ўзгартиришига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

## IX.Бошқа шартлар.

9.1.Шартнома икки нусхада тузилади, хар иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

## X.Тарафларнинг юридик манзиллари.

| | “Бажарувчи” | “Буюртмачи” |
|---|---|---|
| | “EVEREST-S” МЧЖ | Кашкадарё вилояти чигиртка ва тут парвонасига карши курашиш хизмати |
| Манзилгохи | Карши шахар Магзон кучаси 1 уй | Карши шахар Устозлар 3 уй |
| хр | 20208000600885540001 | 100021860104017042111061004 |
| Банк: | Агробанк Кашкадарё мин.филиал | МББХККМ Тошкент шахри Мфо 00014 Инн 308989148 Кашкадарё вилоят Газначилик бошкармаси 23402000300100001010 МФО 00014 Инн 201122919 |
| МФО : | 00151 | |
| ИНН | 305570031 | |
| ОКОНХ: | | |
| Тел: | | |

Бошлик Ж.Абдуллаев

Бошлик Ш.Каршиев